**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

***5140600 - География***
**бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

**Тошкент**

ЎзР ОЎМТВ
Буйрук № 654
"20" 07 2019 йил

## СЎЗ БОШИ

**1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институти.

**2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил «5» 07 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

**3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда таянч ОТМга тегишлидир.

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| **1.** | ***5140600- География*** **бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи** ...................................................................... | **4** |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси .................................................................................... | 4 |
| 1.2. | ***5140600- География*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи................................................ | 4 |
| **2.** | ***5140600- География*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар** ................................................................... | **6** |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .......................................................................................... | 6 |
| 2.2. | *5140600- География* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари ........... | 6 |
| **3.** | ***5140600- География*** **бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар** ......................................................................................... | **8** |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................................................ | 8 |
| 3.2. | Малака амалиётига қўйиладиган талаблар.................................... | 11 |
| 3.3. | *5140600- География* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми............................ ........................... | 12 |

# 1. *5140600- География* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

***5140600- География*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си**

| **Ўқув режа ва фан дастурининг номи** | **Малака (даража)** | **Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати** |
|---|---|---|
| Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури | Бакалавр | 4 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби *5140600- География* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. *5140600- География* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1. *5140600- География* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

*5140600- География* бакалавриат таълим йўналиши илм-фан ва табиатшунослик соҳасидаги йўналиш бўлиб, Ер ҳақидаги билимлар билан алоқадор бўлган лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот, географик экспертиза, маъмурий бошқарув ва педагогик ишлар мажмуини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. *5140600 - География* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

Ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизими муассасаларида педагогик жараёнлар, ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнлар, ижтимоий ва иқтисодий фаолиятлар доирасида барча техника, иқтисод, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқариш объектлари, ташкилий-бошқарув объектлари, табиий ресурсларни баҳолаш ва улардан фойдаланиш жараёнлари, илмий тадқиқот, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

***5140600 - География*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

- турли методлар бўйича ўтказиладиган тадқиқот ишларида қатнашиш ва натижаларни қайта ишлаш ва хулосалар чиқариш;
- табиий, ижтимоий-иқтисодий ҳудудий тизимларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини тадқиқ қилиш ва прогнозлаш;
- минтақалар ва мамлакатларнинг табиий-ресурс, демографик, ишлаб чиқариш салоҳиятини комплекс баҳолаш ва прогнозлаш;
- Фанлар Академияси ва тармоқ институтларида тажриба-тадқиқот ва илмий – тадқиқот лабораторияларида изланишлар олиб бориш;
- давлат бошқаруви органларининг турли ҳудудий даражаларида мутахассис сифатида ишлаш;
- умумий ўрта, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлардан дарс бериши;
- таълим, вазирликларнинг ўқув-илмий бўлимларида фаолият юритиш.

**1.2.3. *5140600 - География* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *педагогик фаолият;*
- *илмий-тадқиқот;*
- *ташкилий-бошқарув;*
- *ишлаб чиқариш;*
- *маънавий-маърифий фаолият;*
- *турли хизматлар кўрсатиши* ва шу кабиларни ўз ичига олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

*5140600 - География* таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

*5А140601 – Иқтисодий ва ижтимоий география;*

*5А140602 – География (ўрганиш объекти бўйича);*

*5A140603-Геодемография;*

*5A140604-Геоурбанистика;*

*5A140605-Топонимика* магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## 2. *5140600 - География* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва табиий-илмий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. *5140600 - География* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Педагогик фаолиятда:**

- умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўкув фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий, амалий машғулотларини ўтказиш;
- ўкув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўкув-методик ҳужжатларни шакллантириш ва тузиш, техник воситаларини ишлаб чиқиш ва уларни тадбиқ этиш;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

– меҳнат жараёнида хавфсизликни таъминлаш бўйича методика ва тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ***қобилиятига эга бўлиши лозим***.

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда иштирок этиш;

– соҳа йўналишларига оид маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

– касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ва илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

– илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

– илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш;

– илмий-тадқиқот жамоаси таркибида (соҳа йўналишларига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш ***қобилиятларига эга бўлиш лозим.***

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;

– ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим.***

**Ишлаб чиқариш фаолиятида:**

– ишлаб чиқариш фаолияти натижалари бўйича маълумотларни қайта ишлаш усулларидан фойдаланиш ва мониторинги;

– фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш;

– иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни баҳолаш;

– амалий фаолиятда инструментал воситаларни ва ишлаб чиқариш муҳитини такомиллаштириш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Маънавий-маърифий фаолиятда:**

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;

- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний, қадриятдлар, меҳир-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш ***қобилиятига эга бўлиши лозим.***

**Турли хизматлар кўрсатиш:**

- табиий географик, табиатни муҳофаза қилиш, геоэкологик, иқтисодий-ижтимоий ва демографик жараёнларга баҳо бериш ҳамда жараёнлар прогнозини ишлаб чиқиш;

- география йўналишига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;

- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим***.

## 3. *5140600-География* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

*5140600-География* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий;

умумкасбий

ихтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

### 3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

***Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича:***

**Гуманитар фанлар бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар фанларга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

**Табиий-илмий фанлар блоки бўйича:**

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

топографик план ва карталар; карталарни элементлари ва хусусияти; топографияда қўлланиладиган координата системалари;

геоэкологик вазият ва ландшафтлар экологияси;

Ер геофизикасини ва геокимёси;

коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириш лозим.

**Умумкасбий фанлар блоки:**

Коинот, Қуёш системаси, Ер ва унинг Қуёш системасидаги ўрни;

географик қобиқ, унинг умумий тавсифи ва асосий хусусиятлари ҳамда таркибий қисмлари;

литосфера, ер юзаси тузилишнинг асосий хусусиятлари;
қуруқлик юзасидаги асосий рельеф шакллари;
гидросфера ва унинг таркибий қисмлари;
Ернинг ички ва ташқи тузилиши;
турли минераллар ва тоғ жинслари;
Ер юзаси рельефи;
ландшафтларнинг ички тузилиши;
ландшафтларнинг табақаланиши ва омиллари;
ландшафтлар динамикаси, эволюцияси ва ривожланиши;
ландшафтларнинг махсус фаолияти;
ландшафтларни таснифлаш;
табиий-антропоген, антропоген, маданий ландшафт тушунчалари;
амалий ландшафтшунослик масалалари;
иқтисодий ва ижтимоий географиянинг замонавий тузилиши, шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари;
иқтисодий ва ижтимоий географиянинг асосий тушунчалари, ғоя ва назариялари;
иқтисодий ва ижтимоий географиянинг илмий ва амалий аҳамияти;
аҳоли сони ва унинг ер юзаси бўйича тақсимланиши;
геодемографик жараёнлар;
демографик термин ва тушунчалар;
демографик коэффициентларни;
материклар ва океан ботиқларининг пайдо бўлиши;
океанларнинг табиий географик хусусиятлари;
материклар табиий географияси: материклар, қитъалар, ороллар, яримороллар, тоғлар, текисликлар, ботиқлар, иқлим ҳосил қилувчи омиллар;
дунё сиёсий харитасининг шаклланиши;
табиий ресурслар ва уларнинг жаҳон мамлакатлари, минтақалари бўйича тақсимланиши;
глобализация жараёнлари ва уларнинг минтақавий жиҳатлари;
жаҳон мамлакатларининг геосиёсий тизими ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўра турлари;
Ўзбекистон табиатининг шаклланиш омиллари;
Ўзбекистон ҳудудининг геологик ривожланиши, неотектоник ҳаракатлар, рельефи ва орографиясининг ландшафтларни шаклланишидаги аҳамиятини;
иқлими ва ички сувларининг шаклланишидаги қонуниятлар;
ландшафтларининг хусусиятлари, табиий географик районлаштирилиши ва табиий географик округлари;
Ўзбекистоннинг табиий шароити ва ресурслари;
Республика аҳолиси сони, жойлашуви ва демографик хусусиятлари;
-Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг тармоқлар таркиби ва унинг ихтисослашуви;
Ўрта Осиёнинг табиий ва иқтисодий географик ўрни, жойлашиши ва ривожланиш қонуниятлари;
Ўрта Осиё ҳудудининг геологик ривожланиши, рельефи ва орографиясининг ландшафтларни шаклланишидаги аҳамияти;
иқлими ва ички сувлари – тупроқ ва ўсимлик қопламининг таснифланиши;
ландшафтларининг хусусиятлари, табиий-географик районлаштирилиши;
дунё сиёсий харитасида Ўрта Осиё давлатларининг тутган ўрни ва роли;
минтақа давлатларининг табиий шароити ва ресурслари ҳамда уларнинг хўжалик аҳамияти;
табиий географик тадқиқот методологияси ва методлари;
табиий географик тадқиқотларнинг босқичлари;
тармоқ ва комплекс табиий географик тадқиқотлар;

иқтисодий ва ижтимоий географиянинг илмий тадқиқот объекти ва предмети;
иқтисодий ва ижтимоий географияда илмий тадқиқотларнинг принцип ва усуллари;
иқтисодий ва ижтимоий география фанининг тадқиқотлар йўналишлари;
табиий шароит ва табиий ресурс тушунчаси;
табиий ресурсларнинг хўжалик аҳамияти;
табиий геосистемалар ривожланишининг прогнозларини;
табиатдан фойдаланишнинг экологик, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатларини;
табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ва экологик-иқтисодий районлаштиришни;
география таълимини уюштиришнинг шакллари;
ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини текшириш ва баҳолаш;
география ўқитишда қўлланиладиган замонавий техник воситалар;
географияни ўқитишнинг интерфаол усуллари;
географияни ўқитишда инновацион педагогик технологиялар
ишлаб чиқаришини жойлаштиришнинг классик ғоялари, концепция ва назариялари;
иқтисодий ва ижтимоий географик жараёнларни моделлаштириш;
ҳудудий мажмуаларга таъсир этувчи омилларни
сув ресурсларини баҳолаш ва бошқариш тизими;
кўллар ва сув омборларининг морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш усуллари;
-сув объектларида кечадиган гидрологик жараёнлар қонуниятлари;
дарёларнинг тўйиниш манбаларини аниқлаш;
географик номларнинг турлари;
географик номларнинг ёзилиши ва талаффузи;
географик номлар транскрипцияси;
географик терминлар ва уларга қўйиладиган талаблар;
топонимик тадқиқотлар ва тадқиқот методлари;
дунё сиёсий харитаси ва унинг ривожланиши босқичлари;
геосиёсий жараёнлар ва уларга таъсир қилувчи омилларни;
ҳудудий сиёсий тизимларнинг шаклланиши ва ривожланиши қонуниятларини;
шаҳарлар классификацияси ва функционал типологиясини;
йирик шаҳарлар ривожланиши ва урбаниязация жараёнларини;
шаҳарларнинг ҳудудий тизими ва геоэкологик муаммоларини;
физиологик ва психологик ривожланиш жараёни;
педагогик жараённи бошқариш;
ёш даврларининг табақаланиши;
педагогик жараён моҳияти;
таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари;
касбий маҳорат борасида илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни шакллантириши керак;

**Ихтисослик фанлар блоки:**

бакалавриат таълим йўналиши бўйича касбий фаолият соҳаларида эришилган ютуқлар, муаммолар ва келгуси режалар ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

Шу жумладан:

умумий ва регионал табиий географиянинг асосий муаммоларини;
ландшафтшуносликка таалуқли муаммоли масалаларини;
инсон - табиат муносабатларининг ва унинг оқибатларини;
ўлкамиз ва халқимизнинг бой тарихий ўтмиши, маданий меросимиз ҳамда истиқлол давридаги бунёдкорлик ишлари ва унинг моҳияти;
мактабда географияга оид ўлкашунослик, уларни ташкил этишга оид назарий қарашлар;
синфдан ташқари ўлкашунослик ишларининг турлари;

мактаб ўлкашунослик ишларида экскурсия ва унинг турлари;
социал соҳаларнинг тузилиши;
аҳоли ривожланишининг ҳудудий қонуниятларини;
социал инфратузилмани;
социал муассасалар тўри ва тизимларини;
ижтимоий соҳаларнинг ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилиши хусусиятларини;
ҳудудлар табиий ресурсларини баҳолаш;
ҳудудлар табиий ресурсларини баҳолаш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни таъминлаши керак.

**Қўшимча фанлар блоки бўйича:**

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эхтиёжини қондириши;

меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

**Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ҳамда аудитория соатларини машғулот турлари ўртасидаги тақсимоти ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

***Курс ишини тайёрлаш бўйича:***

Курс иши мавзулари факультет кенгаши қарори билан белгиланган фанлар доирасида ишчи ўқув режада кўрсатилади. Курс ишлари белгиланган фанлардан олинган билимларни бойитишга хизмат қилиши керак.

***3.2. Малака амалиётига қўйиладиган талаблар:***

***Табиий географик ўқув-дала ва иқтисодий географик амалиётда:***

талабалар бевосита дала шароитида табиат, табиат компонентлари, табиий географик жараёнлар, шу жой ландшафтлари билан танишадилар. Шунингдек, муайян табиий объектлар бўйича маршрутлар ўтказилиб жойнинг географик ўрни, рельефи, геологик тузилиши, иқлими, ички сувлари, тупроқлари, ўсимликлари, ҳайвонот дунёси ва шу ҳудуд табиатини муҳофаза қилиш масалаларини ўрганиш кўзда тутилган.

Иқтисодий географик амалиётдан асосий мақсад талабалар ҳудуднинг табиий-ресурс, демографик, ишлаб чиқариш салоҳияти, хўжалик ихтисослашуви ва тизимларини ўрганадилар.

***Комплекс географик амалиёт:***

тўртинчи семестрда режалаштирилган бўлиб, ушбу амалиёт давомида талабалар ўлкамиз табиати, хўжалиги ва аҳолисини, унинг урф-одатларини комплекс ўрганадилар. Бунинг учун муайян маршрут бўйича турли табиат зоналари, табиий географик жараёнлар ва ҳодисалар, ўлкамизнинг ландшафтлари, хўжалик ихтисослашуви, иқтисодиёт тармоқлари, уларнинг ҳудудий ташкил этилиши ва ривожланиши, мамлакатимизнинг рекреацион салоҳияти билан танишадилар.

***Ишлаб чиқариш амалиётида:***

талабаларнинг бевосита танлаган илмий тадқиқот мавзуига боғлиқ ҳолда тегишли ИТИ ва уларнинг бўлинмаларида, давлат бошқаруви ва турли даражадаги статистика ташкилотларида, турли илмий, ишлаб чиқариш корхона ва муассасаларида ўтказилади. Ушбу амалиёт давомида олинган назарий билимларни амалиётда мустаҳкамлаш билан бир қаторда амалий кўникмаларни эгаллаш ҳамда битирув малакавий ишини бажариш учун зарур материалларни тўплаш ва қайта ишлашга йўналтирилади.

***Педагогик амалиёт:***

Педагогик амалиётдан кўзда тутилган мақсад талабаларнинг географиядан олган назарий билимларини умумий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқувчиларга дарс бериш, ўқув-методик ишларни ташкил қилиш, ўқувчилар билан ишлаш каби кўникмаларини шакллантиришга қаратилган. Амалиёт ўтиш учун талабалар турли ўқитиш методларини, ўқувчилар билан мулоқотда бўлиш, шунингдек, таълимнинг замонавий техник воситаларидан фойдланишни билишлари талаб этилади. Булардан ташқари, таълим муассасаларида турли тадбирларни уюштириш ва ўтказиш, синф раҳбари ва маъмурият ишларини ташкил этиш ишларини ўрганиш кўзда тутилади.

**3.3. *5140600 - География* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

***5140600 - География*** таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича 4 йил ўқишга мўлжалланган бўлиб, қуйидаги вақт тақсимотига эга:

| | |
|---|---|
| Назарий ва амалий таълим | 116 |
| Малакавий амалиёт | 24 |
| Аттестациялар | 22 |
| Якуний давлат аттестацияси | 6 |
| Таътиллар | 36 |
| **Жами** | **204** |

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 28 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқитишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарий ва амалий таълим - 56 %
- аттестация - 11 %
- таътил - 18 %
- малака амалиёти - 12 %
- битирув иши - 3 %

Назарий таълим ҳажми "Гуманитар билим соҳаси"га мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

- гуманитар ва табиий-илмий фанлар- 24 %
- умумкасбий фанлар - 51 %
- ихтисослик фанлари - 19 %
- қўшимча фанлар - 6 %

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

# Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модул, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профил, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, география, табиий география, инсон географияси, табиий географик комплекслар, ҳудудий меҳнат тақсимоти, ҳудудий мажмуалар, кластерлар, табиий географик районлар, иқтисодий районлар, ландшафтлар, табиат компонентлари, геотизимлар, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимлар, табиий географик ўлкалар, табиатдан фойдаланиш, табиий ресурслар, табиат муҳофазаси, геоэкология, географик жой номлари, урбанизация, шаҳарлар, қишлоқ жойлар, жаҳон хўжалиги, мамлакатлар ва минтақалар хўжалиги, аҳоли, аҳоли жойлашуви, ижтимоий сохалар, инфраструктура, ижтимоий ривожланиш, аҳоли турмуш даражаси, дунё сиёсий харитаси, геосиёсий жараёнлар, минтақавий сиёсат, геотизимларни таҳлил қилиш, табиий ресурсларни баҳолаш.

## *5140600 - География* бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

| Т/р | Фанлар блоклари, интеграллаштирилган курслар ва блокларнинг номлари | Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда |
|---|---|---|
| **1.00** | **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар** | **1496** |
| 1.01 | Ўзбекистон тарихи | 78 |
| 1.02 | Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти | 78 |
| 1.03 | Фалсафа | 136 |
| 1.04 | Диншунослик | 64 |
| 1.05 | Ўзбек (рус) тили | 170 |
| 1.06 | Хорижий тил | 272 |
| 1.07 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 136 |
| 1.08 | Олий математика | 102 |
| 1.09 | Топография, картография, ГИС | 204 |
| 1.10 | Геоэкология ва ландшафт экологияси | 120 |
| 1.11 | Геофизика асослари ва геокимё | 136 |
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | **3143** |
| 2.01 | Умумий табиий география | 268 |
| 2.02 | Ландшафтшунослик | 136 |
| 2.03 | Иқтисодий ва ижтимоий география | 136 |
| 2.04 | Сиёсий география | 136 |
| 2.05 | Жаҳон географияси | 933 |
| 2.06 | Ўзбекистон географияси | 420 |
| 2.07 | Табиийёт ва география ўқитиш методикаси | 136 |
| 2.08 | Саноат географияси | 136 |
| 2.09 | Умумий гидрология ва иқлимшунослик | 136 |
| 2.10 | Аҳоли географияси | 136 |
| 2.11 | Умумий психология ва педагогика | 254 |
| | *Танлов фанлари* | 316 |
| **3.00** | **Ихтисослик фанлари** | **1176** |
| 3.01 | Шаҳарлар географияси | 120 |
| 3.02 | Амалий география | 192 |
| 3.03 | Геоморфология | 134 |
| 3.04 | Табиатдан фойдаланишнинг географик асослари | 192 |
| | *Танлов фанлари* | 538 |
| **4.00** | **Қўшимча фанлар** | **395** |
| 4.01 | Ёш физиологияси ва гигиена | 60 |
| | **Жами** | **6210** |
| | **Малакавий ва педагогик амалиётлар** | **1350** |
| | **Якуний давлат аттестацияси** | **324** |
| | **Аттестациялар** | **1188** |
| | **Жами** | **2862** |
| | **ҲАММАСИ** | **9072** |

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Ректор____________**проф. А.Р. Марахимов**

201_ йил «_____» _____________

М.Ў.

**ЎзР ФА Сейсмология институти**

Директор _________**В.А. Рафиков**

201__ йил «______»______________

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги**
**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини**
**Ривожлантириш маркази**

Директор_____________**З. Хакимов**

201_ йил «_____» _________

М.Ў.

**Гулистон Давлат университети**

Ректор____________**М.Т.Ходжиев**

201___ йил «_____»_______________

М.Ў.

## Ижодий гурух раиси ва аъзолари

## Ижодий гурух раиси ва ўринбосари

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Ижодий гурух раиси** | Ш.М.Шарипов | География ва табиий ресурслар факультети декани | |
| Ижодий гурух раиси ўринбосарлари | М.Т.Миракмалов | Табиий география кафедраси мудири | |
| | З.Н.Тожиева | Иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси мудири | |

## Ижодий гурух аъзолари

| Т/р | Ўқув фанлари (курслар)и нинг номи | Таянч ОТМдан | | Турдош ОТМдан, асосий кадрлар истеъмолчиларидан | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **Ф.И.Ш., лавозими, илмий даражаси ва унвони** | **Имзо** | **Ф.И.Ш., лавозими, илмий даражаси ва унвони** | **Имзо** |
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | | | | |
| 2.01 | Умумий табиий география | М.Т.Миракмалов, г.ф.н., доцент | | Н.Алимқулов г.ф.н., доцент | |
| 2.02. | Ландшафтшунослик | Ш.М. Шарипов, г.ф.н., доцент | | В.А.Рафиқов, г.ф.д. | |
| 2.03 | Иқтисодий ва ижтимоий география | Н.Қ.Комилова г.ф.д., профессор | | Н.И.Сафарова г.ф.н., доцент | |
| 2.04 | **Сиёсий география** | **М.И. Назаров** г.ф.н., доцент | | Н.И.Сафарова г.ф.н., доцент | |
| 2.05 | Жаҳон географияси | Ў.К.Абдуназаров, г.ф.н., доцент | | Н.Алимқулов г.ф.н., доцент | |
| 2.06 | Ўзбекистон географияси | Р.А.Ибрагимова, г.ф.н., доцент | | И.Х.Абдуллаев г.ф.н., доцент | |
| 2.07 | Табиийт ва география ўқитиш методикаси | Ҳ.Б.Никадамбаева, п.ф.н., доцент | | Н.Алимқулов г.ф.н., доцент | |
| 2.08 | Саноат географияси | З.Т.Абдалова доцент | | Ф. Ражабов г.ф.д (PhD) | |
| 2.09 | **Умумий гидрология ва иқлимшунослик** | **Ф.Ҳ.Ҳикматов,** г.ф.д., профессор | | З.Аманбаева г.ф.н., доцент | |
| 2.10 | Аҳоли географияси | Ш.Б.Қурбонов г.ф.д (PhD) | | Н.И.Сафарова г.ф.н., доцент | |
| 2.11 | Умумий психология ва педагогика | Э. Рўзметов п.ф.н., доцент | | | |
| 3.00 | **Ихтисослик фанлари** | | | | |
| 3.01 | Шаҳарлар географияси | С.Қ.Таштаева г.ф.н., доцент | | Н.И.Сафарова г.ф.н., доцент | |
| 3.02 | Амалий география | Н.И.Сабитова, г.ф.д., профессор | | И.Х.Абдуллаев, г.ф.н., доцент | |
| 3.03 | Геоморфология | Н.И.Сабитова, г.ф.д., профессор | | А.Низомов, г.-м.ф.н., доцент | |
| 3.04 | Табиатдан фойдаланишнинг географик асослари | Н.Т.Шамуратова, г.ф.н., доцент | | З.Аманбаева г.ф.н., доцент | |

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 5140600-География таълим йўналиши, 5А140602-География (ўрганиш объекти бўйича), 5А140603-Геодемография, 5А140604-Геоурбанистика, 5А140605-Топонимика магистратура мутахассисликлари бўйича Малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқувчилари ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида

**КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тошкент шаҳри

"____" ___________ 2019 йил

Биз қуйида имзо чекувчилар – Ўзбекистон Миллий университети ректори А.Р.Марахимов, Гулистон давлат университети ректори М.Т.Ходжиев, Геодезия ва картография миллий маркази директори Ў.Х.Имомқулов, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий маркази директори Д.Ғ.Тошмуҳаммедова, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузуридаги Урбанизация агентлиги директори Ж.Арипов Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган қуйидаги 4 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари мазмуни билан танишиб чиқиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

1. 5140600-География
2. 5А140602-География (ўрганиш объекти бўйича).
3. 5А140603-Геодемография
4. 5А140604-Геоурбанистика
5. 5А140605-Топонимика

Малака талаблар ҳамда ўқув режаларнинг ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрельдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4359-сон, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 17 июндаги "2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сон қарорларига ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар, шунингдек, халқаро талабларга асосланган.

Мазкур малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида асосий кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар ҳам инобатга олинган.

Ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

| | |
|---|---|
| Ўзбекистон Миллий университети ректори | А.Р.Марахимов |
| Гулистон давлат университети ректори | М.Т.Ходжиев |
| Геодезия ва картография миллий маркази директори | Ў.Х.Имомқулов |
| ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий маркази директори | Д.Ғ.Тошмуҳаммедова |
| Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Урбанизация агентлиги директори | Ж.Арипов |
| Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Сейсмология институти директори | В.А.Рафиқов |

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун амалдаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларини турдош Олий таълим муассасалари билан**

# КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш. “__” ______ 201_ йил

**Қатнашдилар:** Д.Х.Джумабаев-ЎзМУ ўқув ишлар бўйича проректори, Д.Толипов – ЎзМУ ўқув-услубий бошқарма бошлиғи муовини, Ш.М.Шарипов факультет декани, М.Т.Миракмалов Табиий география кафедраси мудири, З.Н.Тожиева Иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси мудири, В.А.Рафиқов ЎзФА Сейсмология институти директори, Ш.М.Пренов – ЎзМУ география ва табиий ресурслар факультети декан муовини, ишчи гуруҳ аъзолари ва турдош ОТМ профессор ўқитувчилари.

## 1. КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Миллий университети Ижодий ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори” асосида таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларининг муҳокамаси:

***Таълим йўналишлари:***

5140600-География

***Магистратура мутахассисликлари:***

5А140602-География (ўрганиш объекти бўйича).

5А140603-Геодемография

5А140604-Геоурбанистика

5А140605-Топонимика

**Сўзга чиқди:** Д.Х.Джумабаев–Маълумки, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторини таҳлил қилиш жараёнида баъзи таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг номлари ўзгартирилди. Шунинг учун мазкур йўналиш ва мутахассисликлар бўйича янги малака талаблари ва ўқув режалари яратиш зарурияти туғилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлиги Дастури”да белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ЎзМУ ишчи гуруҳ профессор-ўқитувчилари томонидан, “Олий таълим йўналишлари ва мутахасисликлари Классификатори”га мувофиқ қуйидаги таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқилаётганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган малака талаби ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

**Эшитилди:** Д.Талипов – Университет ўқув-услубий бирлашмаси томонидан университетдаги барча кафедра мутахассислари ва турдош олий таълим муассасаларидан мутахассис профессор-ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда юқорида келтирилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режалари кўрсатилган директив хужжатларга асосланиб лойиҳаси қайта ишлаб чиқилди.

Таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳлар қуйидаги таркибда фаолият юритди:

